

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“КЕЛИШИЛГАН”**

Ўзбекистон Республикаси  
Адвокатлар палатаси раиси



\_\_\_\_\_ А.Эрназаров

2021 йил “\_\_\_” февраль

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш  
маркази директори



\_\_\_\_\_ А. Рахматов

2021 йил “\_\_\_” февраль

**“АДВОКАТЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ”**

*ўқув курси бўйича*

**ЎҚУВ ДАСТУРИ**

(малака ошириш)

**ТОШКЕНТ**

Ўқув дастури Юристлар малакасини ошириш маркази  
Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2021 йил  
\_\_\_\_\_ даги йиғилишида муҳокама  
килинган ва маъқулланган (\_\_\_\_-сонли баённома).

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг  
“Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта  
тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий эти чора-  
тадбирлари тўғриси”ги 544-сон қарори билан тасдиқланган “Юридик соҳага  
оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талаблари”га асосланиб  
тайёрланган.

**Тузувчилар:** Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш  
бўлими бошлиғи Ш. Хасанов;  
Касбий кўникмаларни ривожлантириш кафедраси мудир,  
ю.ф.д. Б.Тошев;  
Адвокатлар палатаси адвокатларни касбий тайёрлаш  
департаменти бошлиғи А.Махамадиев

**Такризчилар:** юридик фанлар доктори, профессор А. Отажонов;  
Адвокатлар палатаси раисининг биринчи ўринбосари  
Ш.Садиков.

## СУЗ БОШИ

“Адвокатларнинг малакасини ошириш” ўқув курси бўйича Ўқув дастури адвокатларнинг малакасини оширишга мўлжалланган.

Ўқув дастурида адвокатнинг касб йўналишига оид машғулотларида уларнинг билим доирасини кенгайтириш, ўзлаштирган назарий билимларини амалий машғулотларда мустаҳкамлаш назарда тутилган.

**“Адвокатларнинг малакасини ошириш” ўқув курсининг мақсади:** тингловчиларга Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиш соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари; янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти; инсон ҳуқуқларини таъминлашда адвокатуранинг роли ва бу соҳасидаги хорижий тажриба; адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий ва психологик асослари, бу фаолиятда махсус билимлар; фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича ҳамда жиноят ишлари бўйича адвокат фаолиятининг долзарб масалалари бўйича янгиликлар ва истиқболлар ҳақида назарий билимлар бериш ва уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмалари ҳосил қилиш.

**Ўқув курсининг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талабларига кўра, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида замонавий юрист жавоб бериши керак бўлган талаблар мажмуи белгиланган.

“Адвокатларнинг малакасини ошириш” ўқув курси малака оширувчи тингловчиларнинг (адвокатура ходимлари) қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши; адвокатлик фаолиятининг асосий касбий йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишига замин яратади.

**Тингловчилар контингенти** – ўқув дастури адвокатларнинг малакасини оширишга мўлжалланган.

**Дастлабки талаблар:** тингловчилар олий юридик маълумотга эга бўлиши зарур.

**Ўқув курсининг ҳажми:** ишдан ажралган ҳолда малака оширишнинг муддати камида 2 икки ҳафта (72 соат) этиб белгиланади.

**Ўқитиш шакли:** тўғридан-тўғри малака ошириш ёки масофавий таълим.

### **ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:**

#### **Умумий малака талаблари**

Конституция ва қонунларимизда белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя қилиш маҳорати;

ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида қўллай билиш маҳорати;

ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси;

юридик фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ҳамда шахсий сифатлар;

юридик муаммоларни холислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати.



### **Касбий малака талаблари**

Қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бера олиш;

ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни туза билиш;

фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга ошира олиш;

жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов босқичида ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок эта олиш;

тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсата олиш, ҳакамлик судида ва халқаро тижорат арбитражида (судида) вакилликни амалга ошира олиш билан боғлиқ билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

### **ИЗОҲ ХАТИ**

**Дастур мазмунининг янгилigi:** Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғриси”ги 544-сон қарори билан тасдиқланган “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талаблари”га асосланиб тайёрланган.

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон “Қонун ҳужжатларни ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида асосан ўзгартирилган.

Ўқув дастури ҳуқуқни қўллаш соҳаси бўйича билимлар, касбий маҳорат ва кўникмаларни янгилаш бўйича малака оширишга аниқ йўналтирилган ҳамда жамиятда ҳуқуқий билим, маданият ва онг бўйича миллий дастурида замонавий юридик фаолият билан шуғулланувчи шахс учун белгиланган талаблар мажмуига мос келади.

Қонунчиликдаги янгилликлар ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг долзарб масалалари Буюртмачи ташкилот билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Ишчи ўқув дастури орқали ўқув жараёнига татбиқ қилинади.

**Дастурнинг концептуал ғояси:** тингловчи адвокатлик фаолиятининг асосий касбий йўналишлари бўйича янги маълумотларга эга бўлиши лозим.

**Ўқув дастури мазмунини белгилаш тамойиллари:** Адвокатлик фаолиятинининг қонун устуворлиги, мустақиллиги ва бошқа демократик тамойиллари асосида амалга оширилиши.

**Ўқув курсининг умумий ва ўқув ишлари тури бўйича ҳажми:** ўқув курсини ўрганиш учун 72 соат ажратилган. Аудитория машғулоти: маъруза – 24 соат, семинар – 24 соат, амалий машғулотларга – 24 соат (6 соатлик якуний синовлар билан бирга) ажратилган.

**“Адвокатларнинг малакасини ошириш” ўқув курсидан  
МАВЗУЛАР РЕЖАСИ**

№	Модуль ва мавзулар номи	Машғулотларга ажратилган соатлар			
		Маъруза	Семинар-тренинг	Амалий машғулот	Жами
<b><i>1-модуль. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиш соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари</i></b>					
1.	Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари	2	-	-	2
2.	Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг адвокатлар фаолиятидаги аҳамияти	-	2	-	2
3.	Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январь “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти	2	-	-	2
4.	Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари	-	2	-	2
5.	Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг антикоррупцион экспертизаси	-	2	-	2
<b><i>2-модуль. Янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти</i></b>					
6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонун ҳужжатларни ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сон Фармонида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар	2	-	-	2
7.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти	-	2	-	2
8.	Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти	2	-	-	2
9.	Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2019 йил 2 сентябрдаги қонуннинг мазмун-моҳияти	2	-	-	2
10.	Адвокатлик фаолиятида медиация	-	-	2	2
11.	Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти	2	-	-	2



12.	Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти	2	-	-	2
13.	Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти	2	-	-	2
14.	Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги солиқ қонунчилиги ва ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти	-	2	-	2
<b>3-модуль. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда адвокатуранинг роли ва бу соҳасидаги хорижий тажриба</b>					
15.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар	2	-	-	2
16.	Адвокатура ва адвокатлик фаолиятининг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари	2	-	-	2
17.	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясининг асосий йўналишлари ва вазифалари	-	2	-	2
18.	Ўзбекистонда гендер тенглиги ва аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари	-	2	-	2
19.	Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг моҳияти ( <i>БМТ Қийноқларга қарши кураш қўмитаси тавсиялари асосида</i> )	2	-	-	2
20.	Халқаро ҳуқуқий ёрдам масалаларини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш	-	-	2	2
21.	Ювенал юстиция: Халқаро стандартлар ва Ўзбекистонда қўллаш масалалари	-	-	2	2
22.	Вояга етмаган шахсларнинг (гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ) ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш	-	-	2	2
23.	Одам савдоси ва мажбурий меҳнат бўйича қонунчилик ва суд амалиёти	-	2	-	2
<b>4-модул. Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий ва психологик асослари, бу фаолиятда махсус билимлар</b>					
24.	Тайм-менежмент: вақтдан унумли фойдаланиш. Селф-менежмент: ўзини ўзи бошқариш	-	2	-	2
25.	Адвокатлар фаолиятида суд-экспертизаларининг ўрни	-	2	-	2
<b>5-модуль. Фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича адвокат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари</b>					
26.	Фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича адвокатнинг суд музокараларида иштироки	-	-	2	2
27.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби	-	-	2	2
28.	Соддалаштирилган тартибда иш юритиш муаммолари	-	-	2	2
29.	Ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг алоҳида хусусиятлари	-	2	-	2
30.	Виндикацион ва негатор даъволар	2	-	-	2
31.	Ер муносабатларига оид низоларни судда кўриш амалиёти	-	-	2	2

<b>6-модуль. Жиноят ишлари бўйича адвокат фаолиятининг долзарб масалалари</b>					
32.	Жиноят ишлари бўйича суриштирув, дастлабки тергов ва судда адвокатнинг иштироки	-	-	2	2
33.	Жиноятларни квалификация қилиш қоидалари ва уларнинг адвокатлик фаолиятидаги ўрни	-	2	-	2
	Яқуний синовлар			6	6
	<b>Ж А М И:</b>	24	24	24	72

## **ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ**

### ***I-Модуль. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиш соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари***

#### **1-Мавзу. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари**

Мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислохотлар, давлатни модернизация қилиш. Маъмурий ислохотлар. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ислоҳ қилиш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти. 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”да амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти. Ўзбекистон Республикасида адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқаришга оид қарашлари ва ташаббусларининг ҳуқуқий асослари.

#### **2-Мавзу. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг адвокатлар фаолиятидаги аҳамияти**

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг мазмуни, моҳияти, тизими ва устувор йўналишлари. Адвокатура институтининг ривожлантиришда норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг ўрни ва уни амалга ошириш йўллари ва чора-тадбирлари. Норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш. Тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни амалиётда қўллаш масалалари.

#### **3-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январь “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳақида. Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари. Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим турлари юзасидан маъмурий регламент ҳақида. Маъмурий регламент ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинганлиги. Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим турлари юзасидан ўрнатилган маъмурий регламентнинг мазмун-моҳиятининг



ўрганилиши. Маъмурий регламент давлат хизматларидан фойдаланилаётган шахснинг ҳуқуқ-манфаатларининг бузилишининг олдини олиши.

#### **4-Мавзу. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фармонлари ва қарорлари ва уларнинг мазмун моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталарининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги коррупцияга қарши курашишга оид жиноятлар турлари, уларнинг таърифи ва судда кўриш амалиётининг долзарб масалалари.

#### **5-Мавзу. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг антикоррупцион экспертизаси**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг тушунчаси, вазифалари ва тамойиллари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва коррупцияга қарши курашга оид халқаро ҳужжатларда коррупциявий омиллар. Коррупцияга қарши экспертиза ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи адлия органи ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳулосаси.

#### **6-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонун ҳужжатларни ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сон Фармонида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар**

Замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этишдаги ижро интизомидаги салбий ҳолатлар. Ташкилий, ижро ва назорат фаолиятининг ягона тизими. Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати, давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликларида ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари. “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш схемаси. Ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича устувор вазифалар. Адлия вазирлигига юклатилган қўшимча вазифалар.

#### **2-Модуль. Янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти**

#### **7-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти**



Ишларнинг судга тааллуқлилиги. Тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Фуқаролик процессининг тарафлари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Далилларни таъминлаш. Суд ишларини тўхтатиб туриш. Давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чикимлар юзасидан киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти.

#### **8-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти**

Ўзбекистон Республикасининг меҳнатга оид қонунчиликни такомиллаштиришга оид ислохотларининг мазмун-моҳияти. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари доирасини кенгайтириш. Меҳнат қонунчилигини амал қилиш доираси. Ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар доирасини кенгайтириш. Меҳнат таътиллари. Меҳнат низолари юзасидан судга мурожаат қилиш муддатларига доир ўзгартиришлар. Ходимлар вакиллик органлари ваколатларини кенгайтириш. Меҳнат муносабатларини ташкил қилишга доир ўзгартиш ва қўшимчалар.

#### **9-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2019 йил 2 сентябрдаги қонуннинг мазмун-моҳияти**

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-561-сонли “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг аҳамияти ва мақсади. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий ва яқка тартибдаги чора-тадбирлари ва уларни қўллаш асослари. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли орган ва ташкилотлар билан фуқаролик ҳолати далолатномасини ёзиш органларининг ҳамкорлиги. Ҳимоя ордери мазмуни, уни бериш ва унинг муддатини узайтириш тартиби. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар.

#### **10-Мавзу. Адвокатлик фаолиятида медиация**

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сон “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг мазмун ва моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазинининг 2019 йил 31 январдаги №54-мх-сон буйруғи. Медиаторлар фаолиятининг асосий йўналишлари. Медиация иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Медиацияни қўллаш. Медиациянинг тартиб-таомиллари.

#### **11-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти**

Давлатнинг маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш сиёсати. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмуни ва моҳияти. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган янги моддаларнинг юридик тавсифи ва уларнинг адвокат фаолиятидаги аҳамияти. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик. Маъмурий жазо. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.

**12-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти**

Давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати. Жиноят ва жиноят-ижроия кодексларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмуни ва моҳияти. Жиноят ва Жиноят-ижроия кодексларига киритилган янги моддаларнинг юридик тавсифи ва уларнинг адвокат фаолиятидаги аҳамияти. Жиноят, жиноят учун жазо, жазо колониялари, маҳкумлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Жиноят ва жиноят-ижроия қонунчиликларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.

**13-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти**

Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмуни ва моҳияти. Жиноят-процессуал кодексига киритилган янги моддаларнинг юридик тавсифи ва уларнинг адвокат фаолиятидаги аҳамияти. Жиноят процесси босқичлари. Жиноят процесси иштирокчилари. Ҳимоя, адвокат ва адвокат фаолияти. Ҳимояланувчи ҳуқуқлари. Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.

**14-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги солиқ қонунчилиги ва ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти**

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси мазмун-моҳияти. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни ижросини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сон қарорининг моҳияти. Солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг аҳамияти. Солиқ маъмуриятчилиги масалалари. Солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби.

**3-модуль. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда адвокатуранинг роли ва бу соҳасидаги хорижий тажриба**

**15-Мавзу. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар**

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун моҳияти. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро механизмлар: БМТ, ЕҲҲТ, Европа Кенгаши. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмлар. БМТнинг шартномавий органлари фаолияти. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда минтақавий ҳамкорлик: шартномалар, институтлар, тартиб-таомиллар. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда миллий институтларнинг роли ва аҳамияти. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ва миллий фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролининг аҳамияти.

**16-Мавзу. Адвокатура ва адвокатлик фаолиятининг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари**

Адвокатура фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг Ўзбекистон амалиётида ўзига ҳослиги. Адвокатура ходимларини касбий фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш масалалари. Инсоннинг ҳимояланишга бўлган ҳуқуқига оид халқаро ҳужжатларнинг мазмун моҳияти. Адвокатлар томонидан халқаро ҳужжатларни



амалиётда қўллаш масалалари. Адвокатура фаолиятига оид халқаро универсал ва минтақавий ҳужжатлар. БМТнинг “Юристарнинг ролига таалукли принциплар”нинг мазмун моҳияти. Халқаро адвокатлик уюшмалари, уларнинг турлари, адвокатлик фаолиятида халқаро ҳамкорлик.

### **17-Мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясининг асосий йўналишлари ва вазифалари**

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари нормаларини бажариш юзасидан масъул давлат органлари. Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш ва “Хабеас корпус” институтини кенгайтириш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистонда виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини такомиллаштириш. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳамда барқарор ривожланиш соҳасидаги устувор йўналишлар.

### **18-Мавзу. Ўзбекистонда гендер тенглиги ва аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари**

Гендер ижтимоий жинс. Тенгликни таъминлашда гендер статистикаси. Хотин қизларни камситишнинг турлари. Гендер экспертизасига қўйиладиган талаблар. Гендер стратегиясини ишлаб чиқиш. Зўравонлик тушунчаси ва моҳияти, рухий зўравонлик, жисмоний зўравонлик. Хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш. Гендер стеротиплари гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар. Жинс бўйича билвосита камситиш, хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқлилиги. Ваколатли шахснинг қонун бўйича мажбуриятлари ва ҳимоя ордери.

### **19-Мавзу. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг моҳияти (БМТ Қийноқларга қарши кураш қўмитаси тавсиялари асосида)**

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг мазмун моҳияти. Конвенциядаги “қийноқ”, “муомала” ва жазолашнинг: 1) қаттиқ, шафқатсиз турлари; 2) инсонийликка зид ёки қадр қимматни камситувчи турлари” тушунчаларига берилган таъриф. Қийноққа дучор этилган шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қийноқларни қўллаганлик учун жиноий жавобгарлик. Давлатларнинг олган мажбуриятларини бажарилиши бўйича чора тадбирлари. Конвенция нормаларининг миллий қонунчилик нормаларида акс этиши. Конвенцияни бажариш бўйича Ўзбекистон Республикасининг маърузалари. БМТ Қийноқларга қарши қўмитанинг тавсиялари.

### **20-Мавзу. Халқаро ҳуқуқий ёрдам масалаларини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш**

Халқаро ҳуқуқий ёрдам тушунчаси, турлари ва халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш механизмлари. Фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар. Ҳал қилув қарорларни тан олиш ва ижро қилиш. Халқаро ҳуқуқий ёрдам тушунчаси, турлари ва халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш механизмлари. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий



ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар бўйича халқаро шартномалар. Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция “Апостиль” (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) мазмун-моҳияти. Фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича халқаро ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги 1993 йилги Минск Конвенцияси моҳияти ва мазмуни, Фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича халқаро ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги 2002 йилги Кишинев Конвенцияси моҳияти мазмуни, Фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича халқаро ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Минск Конвенциясининг Протоколи аҳамияти.

### **21-Мавзу. Ювенал юстиция: Халқаро стандартлар ва Ўзбекистонда қўллаш масалалари**

Бола тушунчаси. Бола ҳуқуқларини таъминлашга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг пайдо бўлишининг эволюцияси. Бола ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун моҳияти. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг мазмун моҳияти. Бола ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари. Ювенал юстиция тушунчаси ва пайдо бўлиш тарихи. Ювенал адлия тизимига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий стандартлар. Бола ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик тизими, бола ҳуқуқларини таъминлашнинг миллий институтлари. Адвокатлар фаолиятида бола ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари.

### **22-Мавзу. Вояга етмаган шахсларнинг (гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ) ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш**

Вояга етмаган шахсларнинг муҳофаза қилиш хавфсизлиги. Халқаро халқаро ҳуқуқий стандартлар. Миллий норматив-ҳуқуқий база ва суд амалиёти. Қонунга зид равишда бўлган вояга етмаган шахслар. Вояга етмаган жабланувчи ва гувоҳ иштирокидаги тезкор тергов ҳаракатларини олиб бориш. Вояга етмаган жабланувчи ва гувоҳларга нисбатан суд ҳаракатларини олиб бориш. Зарарни қоплаш. Вояга етмаган шахсларни реинтерграция ва тиклаш чоралари. Вояга етмаган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ишлари. Еш ва жинсий жавобгарлик. Жинсий жавобгарлик ёшига етмаган вояга етмаган шахслар. Ушлаш ва тергов ҳаракатларини олиб бориш. қонуний вакил ва адвокатга эга бўлиб ҳуқуқи. Профилактик чоралар қўллаш. Суд жараёнида вояга етмаган шахсларни ишларини кўриб чиқиш. Вояга етмаган шахсларга қўлланиладиган жазо чораларини қўллаш. Жазони ўташ шароитлари.

### **23-Мавзу. Одам савдоси ва мажбурий меҳнат бўйича қонунчилик ва суд амалиёти**

БМТнинг “Одам савдоси ва фоҳишабозликни учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши” конвенцияси ва унга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши, Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масаладаги қарорларини ва мазмун моҳияти. Одам савдосига қарши курашишга оид Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2009 йилдаги Пленуми қарорининг қўллаш аҳамияти.

### **4-Модуль. Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий ва психологик асослари, бу фаолиятда махсус билимлар**

## **24-Мавзу. Тайм-менежмент: вақтдан унумли фойдаланиш. Селф-менежмент: ўзини ўзи бошқариш**

